

(1914 йил 27 февралда Тошкандда «Колизей» театри биносида «Турон» труппасининг расмий очилиши муносибатида сўзланган нутк.)

*Жамоат!*

Сиз хурматлуларга тиётр хусусида бир неча сўз айтмакка жасорат килиб, каршуларингизга чикдим. Бу хусусда маним густохона харакатимни афу этмаганингизни ожизона рижо килурман.

Бизни Тошканд шаҳрида бир неча мартаба миллий тиётрлар ўйналган бўлса ҳам, холис Туркистон тилида хануз бир тиётр ўйналмагонлиги барчамизга маълумдир. Шул сабабли баъзи кишиларимиз тиётрга, эхтимолки, ўйинбозлик ёхуд масхарабозлик кўзлари ила бокурлар. Холбуки, тиётрнинг асл маъноси ибратхона ёки улуглар мактаби, деган сўздур. Тиётр сахнаси хар тарафи ойнабанд килингон бир уйга ўхшайдурки, унга хар ким кирса, ўзининг хусн ва кабиҳини, айб ва нуксонини кўруб ибрат олур. Ва бу сахнада кўзига ёмон кўрунган паст одатлардин ва бузук ахлоklarдин узр килмокга харакат килур. Биноаналайх тиётрни бузук ахлок касалларининг энг ёкимли давосига ўхшатган киши ёлгончи бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Тиётр сахнасига чикиб, юзига ун суртиб, бир масхарабоз шаклига киргон зотлар гўёки табиби хозик мисолиндадурлар. Бунлар аччик роман [1] ларни ширин даволари ила халкга едирурлар ва аччик насихатларни сучук сўзлари ила халкга эшитдурурлар. Биз шу зотларга ва тиётрларга кандай кўз ила бокмогимиз керак? Муни ўрганмак учун биз ўзимиздан бошка мутараккий мамлакатларга бокайлик. Мисли устимизга хоким бўлуб тургон русларга, туркларга, немисларга, франсузларга, яхудийларга ва бошкаларга, кўб узок кетмайлуқ, энг якин кўшниларимиз бўлгон Кофкоз мусулмонларига. Бундан ўттиз йил мукаддам Кофкоз мусулмонларидин энг аввал чикиб тиётр китоблари ёзган ва юзига ун суртиб тиётр сахнасига чикгон, адиби шахид Мирза Фатхали Охундов жанобларига халк кандай кўз ила каради? Мархум Охундов халкнинг нуксонини кўрсатгон, миллат тараккийсига ва мамлакат ободлигига хизмат килгон, исми хар ерда хакорат ила зикр килинурди ва ўзидан хар ким нафрат килурди. Лекин ўттиз йил ўтгандин сўнг мархум Охундов жанобларининг чеккан машаккатлари ва тортгон

захматларини миллат ўйлаб, тақдир килуб, онинг хотираси ва рухининг шодлиги учун улуг бир юбилей, яъни дуо мажлиси ясадиларки, хозирга кадар бундай улуг мажлис мусулмонлардин ҳеч бир киши учун ясалгани йўқдур. Мархум Охундов тутган йўлнинг улуг фойдалари хозирда кўринмакда бошлади. Кофкозиянинг ҳар бир ерида жамияти хайриялар очилуб, аларнинг тиётру шуъбалари ташкил топди, буларнинг энг машхурлари Бокуда «Нажот жамияти» дурки, бу жамият тиётр воситасила Кофкоз халкининг ахлокини хийла ислох килди, гафлатдин уйгонтирди, тараккий ва маорифга хавасларин ортдирди. Хозирда тиётр воситасила ҳар йил мингларча акча жамъ килур. Юзларча мусулмон факир ва ожизларга ёрдам берур. Кўлидан келгунча миллатининг номус ва обрўсини хифз килур ва шаҳарнинг атрофида бўлгон кишлокларда ўттузга якин мак-таблар очуб, ислом болаларини тарбия ва таълим килур. Юзларча миллат болаларини тарбия килуб, ўқитуб, хакикий миллат ва ватан ходимлари этиб майдонга чиқарур.

Модомики, бизим энг якин кўшиларимиз ва ватандошларимиз ва диндошларимиз бўлгон тоторлар ва Кофкоз мусулмонлари бу тарика тараккий ва тамаддунга кадам кўйдилар. Ва ёлғиз тиётр воситасила ўз миллат ва ватанларина бунча хизматлар кўрсатдилар. Биз, туркистонликлар на учун онлардин ибрат олмаймиз? На учун ўз тилимизда тиётрлар ясаб, орамизда бўлгон бузук одатларни йўқ килмокга ҳаракат килмаймиз? На учун Туркистонда биргина бўлгон жамиятимизни ва факирликдин инкирозга юз тутган мактаб ва маорифимизни ободлигига саъй ва кўшиш килмаймиз?

Бизим Туркистон мамлакати туфроғ, сув ва ҳаво жихатидин энг бой мамлакатлардин бўла туруб, на учун ўзумиз бундан фойдалана олмаймиз?

Мана, кетба-кет етган бундай саволларга жавоб бермак учун нодонлик ва оламдин хабарсизлик, демакдин бошқа чора йўқдур. Бу нодонлик ва дунёдин хабарсизлик балосидан кутулмак учун энг аввал орамизда ҳукм сурган бузук одатларнинг бузуклигини билмак ва ўрганмак керакдур.

Бас, бизга бу билдургувчи ва ўргатувчи ёлғиз тиётр сахнасидур. Сониян онларни тарк килмак керакдурки, они тарк килдирувчи яна жамият ва тиётр воситасила очилгон мактаб ва мадарасамиздур. Шул сабабли химматли ёшларимиздан ва химматли бойларимиздан бу тиётрларга фақат ўюн ва масҳарабозлик кўзила бокмасдан, миллат ва ахлоқ жихатидан энг ибратли бир манзара ва улуглар учун очилгон фойдали бир мактаб назари ила бокмокларини ожизона арз ва истирхом килурман.

*«Туркистон вилоятининг газети», 1914 йил, 2 март*